



НАЙМАН, найманлар — ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига қирган қабилла уюшмаси. Рус этнографи А. Д. Гребенкиннинг 19-а. 70-й. ларида берган маълумотиға кўра, ўзбек Найман Зарафшон водийси (63 та қишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида қўнғиротлар билан бирга яшаб қелишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига қўчиб қетишган.

Ўзбек Найман лари 19-а. охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: қўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан таш-қари, Найманда бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: агран, айрончи, бадир, бия, боганали, болтали, буқалай, бурунсов, жағалбойли, жостовон, қилонли (илонли), жумалок бош, олти ота, олти ўғил, ок тунли, сегиз урув (саккиз уруғ), саринайман, туртул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, уқраш, қанғали, қўмичли, қозоёқли, қорақадой, қорасирақ, қарғали, қилтамғали, қултамғали ва б. Нарпай туманидаги Найман: қўлатчи, улус, зарман, қичқилдиқ, оснайман. Ақчили найман, қаттақи, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларға қам бўлинган.

Ўзбек Найман авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Мас, ўзбек-саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири наймансарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқсаройда қорқуса найман, қўштамғали сарой ва қўнғирот саройда ҳам Найман тармоғи бор. Хаттоқи ўзбек қенағаслари ва жузлари таркибида ҳам Найман шохобқаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этноге-нези муштараклиғидан, ўзаро этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради.

Н. Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татаристон ва Мўғулистон ҳудудларида ҳам яшаганлар.

Найман ларнинг қелиб қиқиши мунозарали. Бир ғуруҳ олимлар (И. Н. Березин, В. В. Бартольд, Б. Я. Владимирцов ва б.) Н. нинг этногенезини мўғуллар билан боғлайдилар. Улар «найман» сўзининг этимологиясини (мўғулча «саккиз», «саккиз қабилла») ўз фикрларига далил қилиб қўрсатадилар. Иккинчи бир ғуруҳ эса (Н. А. Аристов, Х.

Ховорст, С. А. Аманжолов ва б.) эса Найманни турк деб ҳисоблайдилар. Кад. Шарк кўлёмаларида ҳамда Урхун ёзувларида «саккиз ўғуз» кабиласи иттифоқи тилга олинади. Улар яшаган ерларни 10-а. ўрталарида киданлар ишғол этганлар. Саккиз ўғузлар киданлар томонидан тобе этилади, киданлар уларни Найман деб атаётганлар. Демак, Найман аслида туркий халқлардан бўлганлар. Найман 8-а. ўрталарида Байкал кўлининг жан. да яшаганлар. 9-а. ўрталарида улар Урхун дарёсининг юқори қисмидан то Тарим ва Қора Иртишгача бўлган ерларни эгаллайдилар. Кейинчалик Найман эгаллаётган ерларнинг чегараси Хонбой ва Олтой тоғларигача етган. Улар шарққа, қарайитлар, шим. да қирғизлар, қарбда қанглилар, жан. да эса уйғурлар билан чегарадош бўлганлар. 12-а. нинг ўрталарида Найман қучайиб, Марказий Осиёда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Найман давлати 13-а. бошигача, яъни мўғуллар истилосига қадар мавжуд бўлган. Найман ларнинг охири хони — Таянхоннинг пойтахти Жаршизнаур деган (Қорақурумга яқин) жойда жойлашган.

1204 й. да Найманнинг катта бир қисми мўғулларга тобе бўлади. Мўғулларга итоат этмаган Найман эса Балхаш кўлининг қарбдаги қўлларда, жан. да Олакўл бўйлариғача бўлган ерларда, Қирдарё бўйларида, Улуғтоғ ҳамда Ишим дарёси бўйларида яшаганлар. Қирдарё бўйларидаги Найманнинг катта қисми кейинчалик Қоразмга ва Қовароуннахрга қўчиб қелиб ўрнашганлар. Улар аста-секин ўтроқлашиб, ерлик халқларга аралашиб қетганлар.

Қозоғистон қўлларида қўчиб юрган Найманнинг бир қисми Шайбонийхонининг Қовароуннахрга қилган қиршларида қарол қатнашган. 15-а. нинг охири — 16-а. нинг бошларида улар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудларига қўчиб ўрнашган. Найманнинг Қашти Қипчоқда қолган қисми эса қозоқ, қоракалпоқ ва нўғойлар таркибига қирган. Найманнинг қарйли қўпчилиги 13-а. бошлариғача қристиан динида бўлган. Уларнинг бир қисми эса қора қиданлар таъсирида будда динини ҳам қабул қилганлар. Аммо Найман эътиқодида ибтидоий динларнинг, ҳусусан шаманизм қолдиқлари қучли бўлган. 13 — 14-а. лар давомида Найманлар исломди-нини қабул қилганлар.

Ўзбек Найманнинг қўпчилик қисми Қарафшон водийсида (Қастдарғом ва Нарқай туманларида) ўтроқ қолда яшаб, қўпинча дехқончилик билан машғул эди. Улар қомли (пахса, қўпқори) уйларда яшаганлар. Ўтроқ Найманнинг қойлари қорқачилик билан ҳам шугулланганлар. Қом қўли, Ўртақўл, Қирабулоқ тоғида яшовчи Найманнинг асосий машғулоти қорқачилик ҳисобланган. Булар қўпинча қоракўл қўйлари, тоғ ва тоғ бағирларида яшаганлари эса қайдари қўйлар, қорамол, туя ва от сақлаганлар. Қорқадор Найман ўтовларда яшаганлар. 19-а. нинг охири — 20-а. нинг бошларида ўзбек Найман ҳам бошқа қабилалар қаби ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб, маққур халқнинг шаклланишида қарол қатнашганлар.

Ад.:Қашидаддин., Қборник летописей, т. 1., вып. 1., М. — Л., 1962; Норқоев Найман, Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида, Т., 1997.

Найманлар

Муаллиф:

30.09.2023 15:17 - Янгиланди 30.09.2023 15:20

Очил Бўриев.